

# Ёмонлардан омонда бўлиш учун улар билан мадора қилиш | Ўн олтинчи ҳақ



13:04 / 31.08.2025 1216

Ёмонлардан омонда бўлиш учун улар билан мадора қилиш (меҳрибонлик ила муносабатда бўлиш, илтифот кўрсатиш).

Оиша розияллоҳу анҳо онамиздан ривоят қилинади: “Бир одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кириш учун рухсат сўради. Шунда (у зот): “Унга (киришга) рухсат беринглар. У уруғнинг қандаям ёмон биродари (ёки ўғлони)”, дедилар. Ҳузурларига киргач эса унга мулойим гапирдилар (Ҳатто Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам наздларида унинг алоҳида ўрни бор деб ўйладим). Чиққанидан кейин: “Эй Аллоҳнинг Расули, (бироз олдин) у ҳақда айтадиганингизни айтдингиз, кейин эса унга мулойим гапирдингиз-а?” – дедим. У зот: “Эй Оиша, (қиёмат кунида Аллоҳ таоло наздида) одамларнинг энг ёмони ёмонликларидан кўрқиб, одамлар

уни тарк этган одамдир”, дедилар”.

Абдулхамид Зайриевнинг **“Мусулмоннинг ҳақ ва вазифалари”**  
китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 январдаги 03-07/184-сонли хулоса хати асосида тайёрланди.